



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Янги  
Ўзбекистонда  
эркин ва  
фаровон  
яшайлик!

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.ru



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 19-dekabr, shanba, 147 (23.427)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, 2021 йилда халқимиз неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва XX аср сўнггида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирда туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз йил бўлади.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустақам иродаси ва матонатини намоян этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Юртимиз илгариги иқтисодиёти бир томонлама шакланган, қолоқ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланиб, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замонавий, очик ва демократик давлатга айланган.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларимиз натижасида, айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жаҳон миқёсида давом этаётган корона-вирус пандемияси ва иқтисодий инқирозга, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қаранасдан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустақамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб ўтган ривожланиш йўлимизни сарҳисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликларни жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа – Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган сый-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда оғишмай, самарали давом эттириш, бу қўлтуғ санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) ташкил қилинсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта мuddатда куйидаги устувор йўналишларни атрофлича ёритишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқласин:

жамиятда қонун устуворлиги ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқнинг муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг вакиллик органлари ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимининг йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар;

мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат ва жамият бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар;

"Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун" ва "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойиллари асосида

фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар;

иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини кучайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурлари, камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси;

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнес юритиш шартларини енгилаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчиликни рағбатлантириш учун яратилган янги имкониятлар;

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Беш муҳим ташаббус", "Бир миллион дастурчи" каби ижтимоий лойиҳаларнинг жорий этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бериш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини тубдан ривожлантириш;

жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ёш қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаш учун кўмак ва ёрдам бериш, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар;

ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб бериш, жумладан, ёшларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, уларни муносиб иш билан таъминлаш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга тайёрлаш, ёш тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурлар;

аҳолини турар жой билан таъминлаш, хусусан намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар;

буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб

қилиш, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини барпо этиш борасида белгилаб берилган узоқ мuddатли стратегик вазифалар доирасида миллий ғояни ривожлантириш, жумладан, давлат тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган амалий ҳаракатлар;

халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати ўзгариб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва фуқаролик институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар;

жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чет эллардаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсат юритиш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларининг тубдан яхшиланиши, минтақавий ва халқаро муаммоларни биргаликда ҳал этиш сый-ҳаракатлари;

мамлакатимизда диний-маърифий соҳага берилаётган катта эътибор, хусусан Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилингани, Ислоҳ цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мутоиридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, хадис ва калом мактабларини ташкил этиш билан боғлиқ амалий ишлар;

халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли таъминлаш мақсадида Куролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар, жумладан, миллий армияни модернизация қилиш, ҳарбий саноят комплексини яратиш, ҳарбий таълим тизими ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ улкан ўзгаришлар;

жаҳон миқёсида турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб, экстремизм, терроризм, наркотрафик, одам савдоси, глобал пандемия каби таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали замонада ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган мезонлар асосида доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган муҳим ишлар.

2-саҳифа >>>

## Нуробод, Пайариқ, Оқдарё

ҳоқимлари ҳам аҳолига мурожаат қилди

Халқ депутатлари Нуробод тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида туман ҳоқими Фахриддин Зоиров жорий йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича аҳолига мурожаат қилди.

Жорий йилда 45 та лойиҳа доирасида 113,3 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, 441 та янги иш ўрни яратилди, - деди ҳоқим. - Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига бюджетга 6,8 миллиард сўм қўшимча маблағ жалб қилинди.

Ҳозирги кунда "Ургут" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан Нуробод туманида хорижлик инвесторлар штироқида 12 та лойиҳа амалга оширилиб, 146,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди. Келгуси йилда мазкур ҳудудда қиймати 240 миллиард сўмлик 4 та йирек лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, "Tespack investment" масъулияти чекланган жамияти томонидан музлаткичлар ишлаб

чиқариш йўлга қўйилади. "Gold brend elevator" масъулияти чекланган жамияти эскалатор ва металл-каркаслар ишлаб чиқаришни бошлади.

Туманимиз ўзининг бошқа туманлардан сиҳатгоҳлари кўплиги билан ажралаб туради, - деди Ф.Зоиров. - Хусусий сиҳатгоҳларимизнинг жойлашувида албатта қишлоқларимизнинг тарқоқ жойлашгани, масофанинг олислиги инобатга олинган. Келгуси йилда яна 2 та сиҳатгоҳ ишга туширилади. Бу билан туманда тиббиёт туризмининг ривожлантириш

Шунингдек, ҳудуддаги "Эски Анхор" канали ёқасида фойдаланилаётган 4057 гектар лалми ер майдонида интенсив боғ ва тоқзорлар яратилади.

Халқ депутатлари Пайариқ тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида туман ҳоқими Дилшод Мусиновнинг таъкидлашича, туманда 2020 йилнинг 11 ойида 253,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,9 фоиз ўсиш таъминланган.

Туманда ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилда 169,9 миллиард сўми, аҳоли жон бошига 688,0 минг сўми ташкил қилган бўлса, 2020 йил якуни билан 304,0 миллиард сўмлик ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳоли жон бошига 1209,0 минг сўмга етган.

Мурожаатда ҳоқим ҳудуддаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, аҳолини иш ва қўшимча даромад билан таъминлаш масаласига тўхталди. Туманимизда лалми ер кўп, ammo undan фойдаланиш кўрсаткичи паст, - деди Д.Мусинов. - Бунга барҳам бериш учун қишлоқ ҳўжалигида суғориш тизимида янги ёндашув, яъни сувни тежовчи технологиялар жорий қилинган ҳолда бундай жойларда интенсив боғ, узумзор ва полиз ҳамда сабзавот маҳсулотлари етиштириш мумкин. Мисол учун, "Наволи" массивидаги 600 гектар лалми ер майдонида интенсив усулда томчилятиб суғориш технологияси жорий қилинди. 50 сотихдан 1200 нафар оилага бўлиб берилган ер майдонидаги иш ва даромад ўз самарасини берди.

Энди "Дўстлик" массивининг Ингичка қишлоғида 2300 гектар лалми майдонларни ўзлаштириш ҳисобига замонавий сув тежовчи технологиялар жорий қилиб, узумзор ташкил этишни режалаштирдик. Бугунги кунда 1600 гектар лалми майдонда ишларни бошлаб, сув қудуғи қазилгани якунладик. Насиб бўлса, келгуси йил баҳордан 4600 оиланинг бандлиги таъминланиб, доимий иш ўрни яратилади.

Оқдарё тумани ҳоқими Нажмиддин Сулаймонов ўз мурожаатида туманда айни пайтда аҳоли сони 160 минг нафарни ташкил этиши, шулардан меҳнат ресурслари 90 минг нафар, иш билан таъминланганлар 63 минг нафардан иборатлигини таъкидлади.

Ишсизлик ўткир муаммо, - деди Н.Сулаймонов. - Бугунги кунда туманимизда 8,1 минг нафар ишсизлар бўлиб, ишсизлик даражаси 11,5 фоизни ташкил қилмоқда. Жорий йилнинг 11 ойи давомида туманда 1390 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, январь-ноябрь ойларида жами 2,7 минг нафар ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, иш ҳақига 2 миллиард сўм тўланди. Ammo муаммо ечим бўйича қилаётган бу тадбирларимиз бизни асло қониқтирмайди. 2021 йилда уч йўналиш

янги корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик, ўзини-ўзи банд қилиш бўйича тизимли ишларни амалга оширамиз. Туманимизнинг қулай инфратузилма ҳудудда жойлашгани янги корхоналар ташкил этишга ёрдам беради. Тадбиркорлик қилувчи фуқароларга зарур шароитларни яратиш берамиз. Томорқа ҳўжаликларини ривожлантириш эвазига аҳолининг ўз-ўзини банд қилиш имкониятини кенгайтириш мумкин. Шунда мавжуд 8,1 минг ишсиз аҳолининг асосий қисми доимий иш ўрнига эга бўлади.

Сессиялар якунида журналист ва блогерлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## Нарпайлик йигит-қизлар дейдики...

Вилоят ҳоқими Э.Турдимовнинг ёшлар билан бу галги учрашуви Нарпай туманининг Зоир ота ва Дўстлик маҳаллаларида ўтказилди.

Учрашувда вилоят ҳоқими билан бирга Давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси бошлиғи, вилоятдаги бошқарма ва идоралар, туман ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

Иккала маҳалланинг 115 нафар ёшлари ўз муаммо ва ташвишлари юзасидан вилоят ҳоқимига мурожаат қилиб, жавоб олди. Масалаларнинг аксарияти шу ернинг ўзида мутасаддилар иштирокида ҳал этилган бўлса, мuddат талаб қиладиган мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда ва вақтда кўриб чиқилиб, жавоб қайтарилди-деган бўлди.

Дўстмурод Назаров кредитга мотороллер олиб тадбиркорлик қилиш ниятида эканлигини айтиб, шу масалада ҳоқимдан ёрдам сўради. Унга "Микрокредитбанк" томонидан кредит ажратилиб, ушбу техника олиб бериладиган бўлди.

Учрашувларда ёшлар асосан, ишга жойлашиш, тадбиркорлик учун ер ва кредит масалалари юзасидан мурожаат қилди. Ҳар бир масала бўйича масъулларга вазифалар топширилди. Бу ишларни қисқа мuddатларда бажариш зарурлиги тушунтириб ўтилди.



## Ёшлар фестивали бошланди

Жорий йил 18 декабрдан 25 декабргача мамлакатимизда "Ёшлар фестивали" тадбирлари ўтказилмоқда. Вилоят матбуот уйида фестиваль бошланиши олдинда унинг аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда вилоят ҳоқими ўринбосари Муршид Очиллов иштирок этиб, фестивал доирасидаги тадбирлар ҳақида ҳурлимот берди.

Фестиваль доирасидаги тадбирлар карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда, ҳар бир шаҳар ва тумандаги секторлар ҳудудида ўтказилиши кўзда тутилган, - деди Х.Очиллов. - Бу тадбирларга фаол ёшлар билан бир қаторда уюлмаган, ишсиз йигит-қизларни тақлиф этиш белгиланган. Чунки уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамоат ишларидаги ташаббусларини рағбатлантириш, улар ўртасида илмий-ижодий

ҳамкорлик муҳити, дўстлик алоқаларини шакллантириш, ҳудудда ёшлар ҳаётига оид масалаларни муҳокама қилиш, қарорлар қабул қилинишида уларнинг иштирокини таъминлаш, дастурлар ижросини назорат қилиш бўйича ёшлар кўмағида жамоатчилик назоратини ўрнатish фестивалнинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Фестиваль доирасидаги тадбирлар 6 йўналишда 32 та лойиҳа асосида ташкил этилади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

3. Республика комиссияси (А.Н.Арипов): Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ишлари ва Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

жойларда таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ва бадий кечалар ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган илмий ва ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳларни шартнома асосида жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Бадий академия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги санаси муносабати билан:

пойтахтимизда "Истиқлол" мажмуасини ташкил этиш ва у ерда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композициясини барпо этиш;

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро халқа йўлини "Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги" деб номлаш;

"Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш;

ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган "Янги Ўзбекистон" китоб-альбомини ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислохотлар натижаларини ёритиб берувчи ки-

тоб-альбом ва тўпламларни нашр этиш;

2021 йилда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган барча халқаро маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, илмий конференциялар, аждодларимиз юбилей саналарини мустақилликнинг ўттиз йиллиги гоёси ва руҳи билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ташкил этиш;

маданият ва санъатнинг барча йўналишлари (муסיқа, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, цирк, халқ йўдиёти) бўйича республика миқёсида фестивалъ ва кўргазмаларни ташкил этиш;

юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва муסיқа асарлари ҳамда тарихий ва замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларини ташкил этиш;

мустақиллик йилларида эришилган илмий ютуқлар асосида яратилган инновацион лойиҳа ва технологиялар кўргазмаларини ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков):

а) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори бадий савияда ўтказиш учун мамлакатимиз ва хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси (Р.Д.Қурбонов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказларини кенг жалб этган ҳолда байрам тантаналари ва халқ сайилларини ташкил қилсин;

маданият ва истироҳат боғларида шартнома асосида таниқли санъат намояндалари, бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастурлари намойиш этилишини таъминласин;

кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратишга бағишланган публицистик мақолалар ва шеърлардан иборат китобни республика бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этсин.

6. Ташкил ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов) Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков), "Ўзбекино" миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов), Бадий академия (А.В.Нуриддинов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда хорижий мамлакатларда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий мамлакатларда яшаётган ватандошларимизни жалб қилган ҳолда "Ўзбекистон кунлари"ни ўтказсин ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирларни амалга оширсин.

7. "Ўзбекино" миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами муносабати билан фильмлар яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил давомида барча туман (шаҳар)лар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, миллий телеканалларда мустақиллик йилларида яратилган энг яхши бадий ва ҳужжатли фильмларнинг кенг намойишини ташкил этсин.

8. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Бадий академия (А.В.Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов), Журналистлар ижодий уюшмаси (Х.Х.Салимов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда "Энг улғу, энг азиз", "Раглар жилосида – она диёр", "Ватан учун яшайлик!" каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кўчимов), "Дунё" ахборот агентлиги (С.Л.Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 17 декабрь

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ: НИМА ЎЗГАРДИ, қандай янгиликлар бор

Мазкур тузилма доимо жамоатчилик эътиборида бўлиб келмоқда. Коммунал соҳадаги муаммоларга ечим топиш мақсадида ташкил этилган тизим фаолиятида кейинги вақтда бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Булар нималардан иборат ва тизимда яна қандай янгиликлар кутилмоқда?

II ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАР ҚИСҚАРДИ

Президентимизнинг жорий йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида қўра, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг бир қатор вазифа ва ваколатлари тегишли вазирлик ва ташкилотларга олиб берилди.

Жорий йил 1 августдан электр энергияси ва табиий газ истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизими, шунингдек, муқобил энергия манбалари жорий этилишини ташкил этиш ва ушбу жараёнлар устидан мониторинг ўтказишга доир вазифа ва ваколатлар Энергетика вазирлигига ўтказилди.

Электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш, истеъмолининг қарздорлигини камайтириш, шунингдек, электр энергияси, табиий газ сотуви ва истеъмолини ҳисобга олиш "Худудий электр тармоқлари" АЖ ва "Худуд-газтаъминот" АЖнинг худудий ташкилотларига берилди.

Шунингдек, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш, олдин олишга доир ваколатлар юқоридagi икки ташкилот ҳамда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўтказилди.

Шунингдек, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш тизимини комплекс таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш билан эндиликда Энергетика вазирлиги шуғулланади.

II ВАЗИФАЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Ўзгаришлардан сўнг бюро эндиликда суд ва бошқа орган ҳужжатларининг ижросини таъминлаш вазифа-функцияларини бажаряпти. Яъни, амалда одил судловни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фаолиятини тартибга солиш ва самардорлигини оширишда давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 24 ноябрда имзоланган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон муҳим аҳамиятга эга, - дейди Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Дўстбек Сулаймонов. - Фармонга асосан жорий йил 1 декабрдан жиноят натижасида давлатга

етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича сотилган мол-мулкларнинг маблағлари алоҳида ғазначилик ҳисоб-рақами билан пропорционал тартибда тенг равишда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши белгиланди.

Бундан ташқари, туман ва шаҳарларда худудий кенгашлар ташкил этилди. Кенгашлар жойлардаги мажбурий ижро ҳаракатларида юзага келаётган муаммоларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиб, бартараф этиш чораларини кўради.

Яна бир янгилик шуки, 2021 йил 1 январдан бошлаб бюронинг худудий бошқармалари, туман ва шаҳар бўлиmlлари бошлиқлари ўз фаолияти тўғрисида тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳар ярим йилда ҳисобот тақдим этиб боради.

II ВАЗИФА КАСБИЙ КЎНИКМАГА МОС БЎЛАДИ

- МИБ давлат ижрочиларининг иш ҳажми оқорилиги боис ижро ишлари бир текисда олиб борилмаслиги кўпчиликка аён, - дейди Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси бошлиғи Алишер Зокиров. - Давлатимиз раҳбарининг фармонидан келиб чиқиб бюро органлари иш юритувидаги ижро ҳужжатларининг тоифаланган ва тааллуқлилиги ҳам белгиланди.

Хусусан, бюронинг марказий аппарати масъул ходимлари - базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 000 баравари ва ундан ортиқ суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари, халқаро тоифадаги ишлар ҳамда

КЕНГАШ КЎМАКЛАШАДИ Қайд этиш лозимки, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самардорлигини ошириш бўйича худудий кенгашларга бир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, Кенгашлар ёрдамга муҳтож ва оғир аҳолга тушиб қолган қарздорларнинг манзилли рўйхатларини тузиб, улар билан яқна тартибда ишлаш, жумладан уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва бандлигини таъминлашда кўмаклашади. Шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича хатланган мол-мулкларни сотиш учун туман ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум бозорлар ҳамда савдо марказларида ярмаркалар ташкил этади. Бундан ташқари, қарздор - бюджет ташкилотларидан пул маблағлари ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича уларнинг маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда, қарздорлиқни маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан қоплаш тўғрисида таклифлар киритиш ҳам кенгашлар вазифаси ҳисобланади.



алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича иш олиб боради. Худудий бошқармалар - базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 000 бараваридан 100 000 бараваригача, туман-шаҳар бўлиmlлари эса, ўз навбатида, 50 000 бараваргача бўлган миқдордаги ишлар билан шуғулланади.

Бу эса эндиликда ижро ишларининг аниқ ва белгиланган меъёрларга кўра, ёш мутахассислар ва тажрибали ходимларга касбий кўникмага асосан иш олиб боришига замин яратади.

II НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

2021 йил 1 мартдан бошлаб алимент пулларини ҳисоблаш ва тўлаш устидан автоматлаштирилган назорат тизими йўлга қўйилади. Янги тизим жорий этилиши натижасида алимент тўлови ундирувчиларга ўз вақтида, тезкор равишда етказилиши таъминланади. Мазкур тизимни ишга тушириш орқали МИБ ходимлари ва фуқароларнинг алимент тўловларини тўлаш ва ундиришдаги ортиқча оворгарчиликларига барҳам берилади.

Негаки, баъзада барча ташкилотлар билан интеграция йўлга қўйилиб, ҳар бир алимент тўловчи ўз мажбуриятларини қай даражада бажараётгани, даромади, қарзи қанчаллигини дастур ижросига маълум қилиб туради.

Ундирувчилар номига очилган банк пластик карточкалари алимент тўловлари ҳақида шаффоф ва ортиқча оворгарчиликсиз, қулай ва масофадан туриб билиш имконини беради. Бундан ташқари, бюрода хатланган мол-мулклар савдо ташкилотларида сақланади ва савдо ярмаркаларига олиб чиқиб сотилиши ҳам йўлга қўйилган. Товарлар маълум бир вақт ўз эгасини топмаса, у белгиланган тартибда арзонлаштирилади.

Янгича тизимда товар моддий бойликларнинг сотилишида аҳолига яна ҳам қулайлик туғдириш учун келаси йил март ойидан бошлаб, хатланган мол-мулклар шаффоф ва очик ҳамда қулай нархларда сотилишининг электрон тизимини жорий қилган савдо ташкилотларида сотилиши йўлга қўйилади.

Ўқубжон МАРҚАЕВ.



167 коллеж ўрнида 74 та профессионал таълим муассасаси

Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси томонидан ташкил этилган пресс-турда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

- Кейинги йилларда юртимиз таълим тизимига амалга оширилган ислохотлар, ўзгаришлар ўрта-махсус таълим соҳасида ҳам ўз аксини топди, - деди вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси бошлиғи А.Насимов. - Таълимнинг ушбу бўғинида ўқув жараёни халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган дастурлар асосида ташкил этиладиган уч тоифадаги таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди. Вилоятимизда ҳам шу пайтгача фаолият кўрсатган 167 касб-хунар коллежи ўрнида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, 74 таълим муассасаси, яъни 37 касб-хунар мактаби, 15 коллеж ва 22 техникум иш бошлади.

Бу йил вилоятдаги 37 касб-хунар мактабига 634 та корхона ва ташкилотнинг бююртмалари асосида 48 касб бўйича 8398 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Мактабларга аввало, кам таъминланган оилалар фарзандлари қабул қилиниб, уларда тадбиркорликка, пировард натижада даромад олишга йўналтирувчи билим, малака ва кўникмалар ҳамда компетенциялар шакллантирилади. Коллежларда эса таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даражасига мос келувчи, касбларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, 2 йилгача бўлган муддат давомида ўқитишга мўлжалланган таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим мутахассислари тайёрланади. Техникумларда таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи 5-даражасига мос келувчи, бакалаврият таълим йўналишлари билан интеграциялашган, қундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида 2 йилдан кам бўлмаган муддатга мўлжалланган таълим дастурлари асосида мактабнинг 11-синфини тугатган ёшлар ўқитилади.

2020/2021 ўқув йили учун 20 ноябрдан 30 ноябрга қадар вилоятдаги 13 коллеж ва 8 техникумда саралаш тест синовлари ўтказилди. 2 коллеж ва 12 техникумда эса ёзма имтиҳон шаклида касбий имтиҳонлар ташкил этилди. Ушбу синовлар натижалари асосида 22 минг нафардан ортиқ абитуриентлар ўқишга қабул қилинди.

Пресс-тур қатнашчилари Самарқанд шаҳар касб-хунар мактаби фаолияти билан яқиндан танишиди. 7 йўналиш бўйича 220 нафардан ортиқ ўқувчи касб-хунар ўрганаётган муассасадаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

- Мактабимизда умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган йигит-қизлар бугунги кунда эҳтиёж юқори бўлган тикувчилик, сартарошлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш, компьютер дизайнери, чилангарлик каби касблар бўйича ўқитилмоқда, - дейди Самарқанд шаҳар касб-хунар мактаби директори Шўҳрат Тобибов. - Бу йўналишлар бўйича ҳеч қим мажбуран олиб келиниб, ўқитилмапти.

Ҳамама ўз хоҳиши, келажақда танлаган йўлига қараб касб ўрганапти. Масалан, мактабимиз жойлашган худудда темирчилик яқини ривожланган. Ота-оналар фарзандларини олиб келиб, шу йўналиш бўйича ўқитиб беришни сўрайди. Ёки шу яқин атрофда бир неча трикотаж фабрикалари борлиги учун қизларимиз тикувчилик йўналишини танлаб, шу хунарни пухта ўрганапти.

Пресс-тур давомида келгуси йилларда таълимнинг мазкур бўғинида вилоятда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Ғ.ҲАСАНОВ, А.ИСРОИЛОВ (фото).





# ПРОТЕКА BANK

акциядорлик тижорат банки Самарқанд филиали

*барчангизни кириб келаётган янги*

# 2021 йили

*билан чин дилдан табриклайди.*

Янги йилда оилангизга тинчлик, дастурхонингизга барака, ишларингизга муваффақият тилаймиз!



Хизматлар лицензияланган.



# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»


акциядорлик тижорат банки Самарқанд минтақавий филиали

*барча юртдошларимизни*

# ЯНГИ ЙИЛ

*билан табриклайди.*

БУ ҲАЯЖОНЛИ ВА УМИДБАХШ ДАМЛАРДА СИЗГА ОМАД, ТУГАНМАС БАХТ ВА ҚУВОНЧ ТИЛАЙМИЗ!



Хизматлар лицензияланган.




# UZTELECOM

акциядорлик жамияти Самарқанд филиали

юртдошларимизни ва барча мижозларини яқинлашиб келаётган

Янги йил байрами билан самимий табриклайди.

# 2021

Янги йил чексиз имкониятлар ва фаровонлик йили бўлсин!  
Компаниямиз келгуси йилда ҳам сиз, азизларга сифатли хизмат кўрсатишга бел болаган.



Хизматлар лицензияланган.

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ  
ЕСТНИК© МУАССИСЛАР:  
халқ  
депутатлари  
Самарқанд  
вилоят Кенгаши  
ва вилоят  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр 100. Индекс 438.  
9 693 нусхада чоп этилди. Буюртма 779

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.  
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.  
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй,  
Матбуот уйи.Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.  
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.Навбатчи муҳаррир:  
А.ҲАЙДАРОВ.Навбатчи:  
Г.МУМИНОВА.Саҳифаловчи:  
Б.АБДУЛЛАЕВ.

Соғуеда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X

